

Навоий вилояти автомобил йўллари худудий бош бошқармаси билан Нурота туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йулларини сақлаш ишлари буйича 2022 йилга тузилган

Ш А Р Т Н О М А № М.Нур-13/22

Навоий шаҳри

« 29 » январь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Навоий вилояти автомобил йўллари худудий бош бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи **Э.Камолов** бир томондан, матнда кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Йул хизмати курсатувчи» Нурота туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан корхона Низоми асосида иш кўрувчи директори **Р.Норбобоев** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПК-2776-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари кўмитаси томонидан аниқ манзилли йул ишлари руйхатида тасдиқланган Нурота тумани умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини асраш, таъмирлаш буйича ушбу пудрат шартномасини туздилар.

1. Т А Р И Ф Л А Р .

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кулланилади:

Ижро хужжатлари – жойида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларни ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда йул қурилиши, таъмирлашга ишчи чизмалар ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилиб кетадиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари, йуллардан фойдаланиш буйича курик журналлари, йул ва куприклар паспортлари, ҳаракат жадаллиги қайдномаси ва бошқа йулларга оид хужжатлар.

Йул қурилиш минтақаси – мазкур шартнома доирасида барча йул ишларини бажариш даврида ва ушбу йулдан фойдаланиш жараёнида пудратчи томонидан фойдаланиш ҳуқуқига эга булган ер майдони, минтақаси.

Вактинчалик иншоотлар – пудратчи томонидан қурилиш ёки таъмирлаш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар – сифат ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан сунг аниқлаш мумкин булмаган вактинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар.

2. ШАРТНОМА МАКСАДИ.

1. Буюртмачи Навоий вилояти автомобил йўллари худудий бош бошқармаси Нурота туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси тасарруфига берилган 194 км маҳаллий аҳамиятдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1-ноябрдаги 226-сонли қарорига (31.12.2011 йил ўзгартириш қиритилган 352-сон) асосан сақлаш ишларининг мақсади:

автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашдан иборат.

Ундаги барча иншоотлар, йул жихозлари ва унинг барча мол-мулки Ўзбекистон Республикаси «Автомобиль йуллари тугрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан корхонага қарашли автомобил йўллари қайси корхона, муассаса ва ташкилот балансида турса, ана шу йўлларнинг сақланишини таъминласа, шу корхона, муассаса ва ташкилот ихтиёрида бўлади

3. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1. Шартнома баҳоси Нурота туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йилда тасдиқланган йул ишлари чекланган манзилли рўйхати ва харажатлар сметаси асосида **251 922 000 (икки юз эллик бир миллион тўққиз юз йигирма икки минг)** сўмни ташкил этади.

3.2. Шартнома баҳоси автомобиль йулларини сақлаш, таъмирлаш ва бутун йул мулкени асраш харажатларини уз ичига олади.

3.3. Шартномада белгиланган ишларни бажаришда шартнома баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томондан ўзгартирилганда;

- қурилиш-таъмирлаш ишлари бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

3.4. Қурилиш ва таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда, иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича ушбу шартноманинг 2-булимида қўзда тутилган ишларни бажариш учун;

- автомобиль йулларини асраш, таъмирлаш тизимидаги йул хизматининг Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси олдидаги мажбуриятлари тугрисидаги 5-иловадаги курсатмаларга қаттиқ риоя қилиш;

- барча йул ишларини мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажм ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига топшириш;

-курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

-йул курилиш минтақаси ва майдонида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва йул минтақасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

Курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

4.2 Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради;

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага – иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига беради.

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан йулларни асраш, таъмирлаш ва куриш буйича ва бошқа қабул килинган мажбуриятлар функцияларига риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул килиш;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва баённомага асосан кучга эга бўлади.

7. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида ҳар ойда бажарилиши лозим этиб белгиланган ишлар кийматининг 40% ни аванс тарикасида утказди.

7.2. Жорий молиялаштириш аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг, кейинги тўлов бажарилган ишлар далолатномасига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

8. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг УЎ-булимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.7. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.8. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг қурсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучи билан ва таъминлаш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10. Пудратчи қурилиш ёки таъмирлаш майдонини ва унга туташ йул, қуча тасмасини, шу жумладан йул участкалари ва йулақларни озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш қикиндиларини Буюртмачи томонидан қурсатилган жойга қикариб ташлайди.

8.11. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунгача Пудратчи йулларни асраш учун қурик дафтари, таъмирлашда ишларни бажариш дафтари

юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

9. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

9.1. Буюртмачи:

Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларни сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Пудратчи:

Ишларни бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганида;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

9.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугаллармаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Ёзма билдиришнома юборилган кундан бошлаб 15 кун муддатда иккинчи томон билан келиша олмаса тегишли Иқтисодий судларга мурожаат қилиш йўли билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.7. Шартнома бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада кутилган холлар бундан мустасно.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313 сонли Фармониغا мувофиқ, Пудратчи томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилиши шарт.

10.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан бу билан чекланиб қолмасдан барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларини ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

11.1. Томолардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

11.2. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматини 30 фоиздан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

11.3. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчи ишларни бажаришнинг ёки хизмат кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилинмайди.

11.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатлар, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада фодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

11.5. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

12. КАФОЛАТ.

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартлари белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларига, ҳамда техник шартлар мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатлари даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

13. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (форс-мажор) ХОЛАТЛАРИ.

13.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасидан келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

13.2. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки унинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

13.3. Шартнома амал қилиш муддати 31-декабрь 2021 йилгача ҳисобланади.

13.4 Шартнома Газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан кейин қонуний кучга эга бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

Навоий вилояти Автомобил йўллари
худудий бош бошқармаси

Юридик манзилгоҳ: Навоий шаҳри,

Гулистон қургони

ТЕЛ: 220-63-67

ФАКС: 220-63-66

Х/р: 304510860124017045163118001

Банк номи: Республика Марказий
банк х/р 23402000300100001010

Банк коди(МФО) 00014

ИНН 200850780

ХХТУТ 97400

КТУТ 15012865

Газначилик бўлими: Навоий вилояти
бўйича Газначилик Бошқармаси

Раҳбар

Э.Қамолов

М.Ў.

«ПУДРАТЧИ»

Нурота туман йўллардан фойдаланиш
унитар қорхонаси.

Юридик манзилгоҳ Нурота ш.

С.Сиддиқов қучаси 100-уй

ТЕЛ: 52-3-14-69

ФАКС: 52-3-14-69

Х/Р: 22626000500356205001

Банк номи: ЧЭКИ Хамқорбанк Навоий
филиали

Банк коди(МФО) 01064

ИНН 204771315

ХХТУТ 61129

КТУТ 15016917

Раҳбар

Р.Норқобоев.

М.Ў.

Юрист:

Н.Қамолов

М.Ў.